

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

100 «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ-1444-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан:

давлат томонидан «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясининг устав фондига киритилган «Ўзёғочқоғозсавдо», «Ўзкоммаишийсавдо» ва «Ўзкимё-полимерсавдо» акциядорлик жамиятларининг акциялари пакетларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасига беришни;

«Сергелиулгуржисавдо» шўъба хўжалик жамияти мулкрий комплексини туташ ҳудуди билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитасига беришни;

«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини белгиланган тартибда тугатишни назарда тутувчи қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш бўйича иловага* мувофиқ таркибда ишчи комиссия ташкил этилсин.

«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш бўйича ишчи комиссия «Ўзулгуржисавдо» ак-

* Илова берилмайди.

циядорлик компаниясини тугатишга доир чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда «Ўзулгуржи-савдо» акциядорлик компаниясининг бўшаб қолаётган ходимларини ишга жойлаштиришда кўмаклашсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси белгиланган тартибда:

«Ўзкоммаишийсавдо» акциядорлик жамиятининг биржа савдосига қўйилган акциялари давлат пакети баҳолаш комиссияси томонидан аниқланган 980,5 млн сўм миқдоридаги қиймат бўйича сотилишини;

«Ўзёғочқоғозсавдо» ва «Ўзкимёполимерсавдо» акциядорлик жамиятлари акциялари давлат пакетларининг бир ой муддатда баҳоланишини ва биржа савдоларига қўйилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи ва биржа савдосини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 1 майдаги 198-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 24-модда) 1-4-бандлари ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида» 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сон қарорига 1-илованинг 94 — 104-позициялари чиқариб ташлансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 9 март,
67-сон